


# ГЕНДЕР ба СҮВ



1

ГЕНДЕР БИЛАН ТАНИШУВ. У ЎЗИ НИМА?

## Азиз китобхонлар!

## Хурматли аёллар ва эркаклар! Қизлар ва йигитлар!

Биз ҳаммамиз сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмол қилувчилармиз. Сувдан фойдаланувчилар дарё ёки бошқа сув манбаларидан фойдаланганларида уни сарфламайдилар, яъни сувнинг миқдори камаймайди. Масалан, дарёда дам олганда, чўмилганда биз сувдан фойдаланамиз; дон янчадиган сув тегирмонлари, электр қуввати ишлаб чиқарадиган гидроэлектр станциялари турбиналарини айлантиришда сувнинг ҳаракат кучидан фойдаланилади. Бунда сувнинг миқдори камаймайди. Бу ҳолда биз сувдан фойдаланувчимиз. Сувдан ичиш учун, коммунал хизматлар учун, суғориш ишлари учун, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилганда сув сарфланганда биз сув истеъмолчилари бўламиз, чунки: дельтага келадиган, табиатдаги ажойиб манзараларни, гўзалликни, салқин жозибасини сақлаб қолиш учун хизмат қиладиган сув миқдори камаяди.

Дунё аҳолиси сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шу жумладан, Марказий Осиёда ҳам. Сув захираси эса камайиб бормоқда. 2025 йилга келиб бизнинг регионимизда бир кишига тўғри келадиган сув миқдоир икки баравар камаяди. Бу аҳолининг тезкор ўсиб бориши билан боғлиқдир.

Ҳар доим, ҳатто сув танқислиги даврида ҳам, ҳаммага сув етарли бўлиши учун бутун ҳаётимиз давомида ишда, уйда, амалиётда, фаолиятнинг бошқа турларида ҳам сувдан тежамкорлик билан фойдаланишимиз зарур. Буни, сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш қоидаларига риоя қилиш билан осонгина ҳал этиш мумкин. Бу қоидалар аждодларимизнинг сувни ифлос қиласлиқ, ундан тежамкорона фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ва уни тақсимлаш муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, доимо оқимнинг қуий қисмида яшовчиларни ўйлаш каби қадимий анъаналарини тиклайди. Аждодларимиз тажрибаси яна шуни ҳам таъкидлайдики, дарё, қўлларимиз, ирмоқларимиз ернинг биз яшётган гўзал ландшафтининг табиий бир қисми бўлиб қолиши учун табиат ҳам сувга муҳтождир.

Биз тақдим этаётган Гендер ва сув муаммолари Альянсининг мазкур ажойиб рисоласи болалар ва катталар учун мўлжалланган бўлиб, сувдан оқилона фойдаланиш йўлларини ёритиб беради.

Гендер ва сув муаммолари Альянси – бу сувнинг тозалиги, унинг ҳаммага: ўзимизга, фарзандларга, набираларга, келажак авлодларга етарли бўлиши учун курашаётган аёлларнинг овозидир.

Келинг, бу сатрларни диққат билан ўқиб, уқиб олайлик ва ҳамма учун, биринчи навбатда ўзимиз учун фойдали бўлишига ҳаракат қилайлик.

**МКВК ИТМ директори, проф. Духовний В.А.**

Биз, гендер ва сув муаммолари Альянси (ГСМ Альянси) мазкур буклетни қўлга олаётганингиздан хурсандмиз. Унинг ёрдамида биз Сизларга жуда ҳам муҳим ва долзарб муаммолар ҳақида сўзлаб берамиз. Дастлаб шуни айтмоқчимизки, бу сухбат буклетни ўқиш билан бошланади. Шу билан бирга, умид қиламизки, бу буклетда ўқиганларингиз ҳақида яқин қариндошлар, мактаб ва ишхонадаги таниш билишларга сўзлаб берасиз. Сиз бу буклетни ўқиб чиқиш тўғрисида маслаҳат беришингиз, агар ўқитувчи бўлсангиз, уни она тилингизга таржима қилиб, нашр эттиришингиз мумкин. Шунингдек, Сиз у ердаги расмлардан фойдаланиб, мулоқот, баҳс-мунонзара ўтказишингиз ва ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, уларда ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил баён этиш кўникмаларини шакллантиришингиз мумкин.

Сиз Интернетдаги [WWW.genderwater.org](http://WWW.genderwater.org) сайтига кириб, барча буклетларнинг расмларини кўчириб олишингиз мумкин. Шу ўринда муаллиф ҳамда гендер ва сув муаммолари Альянси ходимларига миннатдорчилик билдиришни унутманг. Сўз охирида шуни айтмоқчимизки, агар Сиз гендер ва сув муаммолари тўғрисида батафсил маълумот олмоқчи бўлсангиз, ГСМ Сизнинг хизматингизда. Сиз ва биз – ҳар биримиз ўз яшаётган жойимиз, у ердаги дарё, кўл ва сув ҳавзаларини бошқаришда ўз ҳиссамизни қўшишимиз ва бу билан ҳаммамизни сув билан таъминлашга хизмат қилишимиз мумкин. Энди навбат Сизга. Яхши кайфият, катта қизиқиш билан ўқиб чиқишингизга тилакдошмиз

## **КИМ, УЙГА СУВ ОЛИБ КЕЛАДИ?**



*Ким узок ўйл босиб, сув топиб келади?*

*Ким қудук ва унинг тозалиги ҳақида қайғуратди?*

*Ким боғларни суғоради?*



*Ким овқат ва сувнинг ташвишини қиласи,  
оиласининг, айниқса, болаларнинг соглиги  
ҳақида қайғуради, шунингдек уйимизнинг озодалиги,  
саранжом-саришта бўлишига ҳаракат қиласи?*



**БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ  
АСОСАН АЁЛЛАР БАЖАРАДИ**

*(декярли ҳамма жойда)*



*Қадим замонлардан бери бу ишлар ёш болалик пайтидан бошлиб аёлларнинг зиммасида бўлиб келган.  
Бу ишларни кичкинагина ўгил болалар, қиз болалар ва қариялар ҳам бажаришган.*

*Бундай оғир ишларнинг ҳали ҳам уларнинг зиммасида бўлишии жудаямadolатдан эмас.*





*Хаётнинг  
боиланишиданоқ аёллар  
ва сув тақдиди үзаро  
боглиқдир.*



*Хаёт аввало сувда  
бошланади.*


*Биз түгилишиимиздан олдин  
ҳаммамиз сув нуфаги  
ичида ривожланамиз.*

# **СУВ – БУ ОБИ**



*Айнан сув  
“ҳаёт ғилдирагини  
ҳаракатга келтиради”.*

# ХАЁТ!



Танамизнинг

асосий қисмини сув ташкил қиласади.

У ҳар бир қон хужайрасида, тер,



кўз ёши, сўлак ва овқат хазм  
қилувчи суюқликда мавжуд.

Ҳисоблашларича, инсон

танасининг 70%

сувдан иборат экан.

## **СУВ ҲАММА УЧУНДИР!**

*Эркаклар ва аёллар, ёшлар ва қариялар,  
болалар ва қизлар учундир.*




*Сув ҳақида қайғурии –*

*ҳар биримизнинг бурчимиздир!*

*Сизнинг шаҳрингиздан оқиб ўтаётган дарё  
на фақат сизни, балки унинг бошқа қирғоқларида,  
у оқиб ўтадиган бошқа жойларда яшовчиларни ҳамдир.*

*Дарёning юқори оқимида сувга ташланган нарсалар  
унинг куйи оқимида жойлашганларнинг ҳаётига  
таъсир этади.*



*Дарё қирғоқларидаги  
дарахтларни кесиб ташланса,  
ёмғирлар лойқаларни қуиі оқимга  
оқизиб кетади.*

*Илгари дарёлар ёмғирдан сұнг  
бунчалик тошиб кетмас эди!*



Ирмокларга нима бўлишини  
улар дарёга келиб қуйилганда кўриш мумкин.

*Мана бу  
чиқиндиларга қаранглар!*



Агар кимдир очик сув ҳавзасига чиқинди ташласа ёки турли заһарли үғитлардан эҳтиётсизлик билан фойдаланса, улар биз фойдаланадиган қудуклар ва бошқа сув олиш манбаларини ифлослантириши мумкин.



*Агар кимдир сүгөриш учун дарё сувидан күпроқ олиб қўйса, унинг қуийи оқимида яшовчиларга сув етмаслиги мумкин.*



*Сиз дарёни бошқариши  
учун тўғон қурадиган бўлсангиз,  
у қуийи оқимдаги ерларни сугоролмайди,  
бу эса натурал хўжалик билан шуғулланувчи  
оилаларнинг қорнини тўйдирishiغا ёмон  
таъсир этиши мумкин.*




Агар сув атроф-муҳитни суғоришига етмаса,  
бу балиқ ови ва ўрмон меваларини йиғиш  
билин тирикчилик қилувчиларнинг яшаш шароитига  
таъсир қиласди.

*Сув ўрмонга, ундағи ҳайвонот ва ўсимлик  
оламига қандай ҳаёт бағишиласа, ўрмон ҳам сувнинг  
табиатда айланишии циклини маромига  
етказишига ёрдам беради. Атроф-муҳит  
мухофазаланган бўлгандағина сув  
табиий йўл билан тозаланиши мумкин.*




*Инсон фаолияти табиатни ўзгартирса,  
у мингларча инсонлар ва уларнинг оиласини  
уй-жойсиз, озиқ-овқатсиз қолишига сабаб  
бўладиган қурғоқчилик, сув тошқини ва  
боишқа табиий оғатларни келтириб чиқариш  
хавфини кучайтиради.*





**Биз үзимиз каби сувга мұхтожлар  
хақида үйлашимиз лозим...**




*Баъзи жойлардаги аҳоли,  
аёллар ва болалар асосан,  
сувга бўлган эҳтиёжларини қондиролмай  
қийналадилар. Бу ерларда сув топиш амри-маҳол,  
агар топилганда ҳам у ичишга яроқсиздир.  
Шу вақтда эса бошқа жойларда сувни жуда ҳам  
исроф қилмоқдалар.*

**Биз барча инсонларнинг эҳтиёжини  
ҳисобга олишимиз лозим...**




*...чунки сув бизга ҳамма нарса учун керак!*

*Масалан, сув бизга ичиш учун керак,  
ҳайвонларга ҳам;  
қишлоқ хўжалигига жуда ҳам кўп  
сув керак;  
сув атроф-муҳитнинг тозалиги  
ва бизнинг соғлом бўлишишимиз учун ҳам керак.*



*Сув туфайли кемалар сузіб, узогимизни яқин, оғирилизни енгил қиласы, электрстанциялар электр энергиясіни ишлаб чиқарады, саноат ишлаб чиқариши амалға оширилады.*

*Лекин, эң асосийси, сув озиқ маҳсулидир. Инсон сувсиз уч кундан ортиқ яшай олмайды. Худди шунингдек, ўсимликлар ҳам сувсиз қуриб қолады.*



*Биз сувни самарали тақсимлашимиз лозим.*

*Сув билан ёндош инсонлардан боиқа ким ҳам сув ҳақида қайғуради. Сув муаммоларидан жудаям қийналғанлардан боиқа ким ҳам сув ҳақида қайғуради.*



*Аёллар, болалар ва кўпни кўрган қариялар*




*Сув ресурсларини бошқариши деб аталган  
бу умумий ишда иштирок этишлари керак!*

*Сув ресурсларини бошқаришида иштирок этиши  
- бу на факат ўз фикрини билдиришидир.*

*Бу дегани - уни қандай тақсимлаш, ҳимоя қилиш  
ва фойдаланиши ҳақидаги, хуллас, сув ҳақидаги  
барча қарорларни қабул қилишида  
иштирок этишидир. Шунингдек, ҳукумат  
вакиллари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар  
билин биргаликда сувни бошқаришидир.*



*Одатда қарор қабул қилиш жараёнидан  
четлатиладиган аёллар, болалар ва қарияларни  
эшиитиши лозим, уларнинг фикр-мулоҳазалари  
эътиборга олиниши лозим ва улар бу қарорларнинг  
бажарилишини кузатиб боришлари лозим.  
Улар маҳаллий ва регионал даражада сувни  
бошқарии ишларида иштирок этишлари лозим.*




*Сув одамларнинг ташналигини  
қондириши учун кафолатланган бўлиши лозим.  
Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар-чи?*

## *Сув иқтисодий қимматга эга.*


*Манбадан иқтисодий мақсадлар учун  
сув олаётган ҳар қандай одам унинг баҳосига  
етарлича тўлаб қўйиши лозим.*


*Бу тўловлар керакли жойга:  
сув ресурларини бошқариши ишларини амалга  
оширишига сарфланади.*



*Бошқа томондан эса  
табиат ва сувни муҳофаза қилишига  
ёрдам берувчиларнинг меҳнати ҳам  
муносиб тақдирланиши лозим.*


***Бу жудаям адолатли бўлади!***





*Сув ресурларини бошқарии ҳукуматлар,  
жамоалар ва ҳар бир гидрографик ҳавзалардан  
фойдаланувчиларни бирлаштириши лозим.  
Сув ҳар қандай чегарани кесиб ўтгани учун  
биз унинг ҳавзасида яшовчиларнинг  
барчаси билан учрашиб туришимиз лозим.*

*ХАВЗА – БУ СУВ ЙИГҮҮЧИ МАЙДОНИ БҮЛИБ,  
ТАБИАТ УНДА ДАРЁЛАР, КҮЛЛАР ВА ЎЗАРО  
БОГЛАНГАН ЕР ОСТИ СУВ ОМБОРЛАРИ  
ГУРУХИНИ ТҮПЛАГАН.*



*Хар бир инсон бу мұхым ишда  
иширик этиши, фикр билдириши  
ва бирғаликда қарор қабул қилиши лозим.*

**Бу – әнг түғри йүл:  
хамма сув ҳақида қайғуради!!!**





Нашрга тайёрловчилар:

Матн ва расмлар

Жиральдо Алвс Пинто ва Мегетерио

(Мигель Мендес Риэс, Марко Антонио де Ж.Ферейро, Фабио Ферейра,  
Вандерлей Сорэс. Сотрудничество Феррета)

Таржимон

Мороу Гейнес Кэмпбел III

Мухаррир

Instituto Ipanema- Бразилия

[www.institutoipanema.net](http://www.institutoipanema.net)

Йўналиш:Demetrios Christofidis e Ninon Machado

Реализация

Гендер ва сув муаммолари Альянси - АГС

Ижрочи директор: Джоук Муйлвижк

[jokemuylwijk@chello.nl](mailto:jokemuylwijk@chello.nl)

[secretariat@gwalliance.org](mailto:secretariat@gwalliance.org)

[www.genderandwater.org](http://www.genderandwater.org)

Гендера сув муаммолари Альянси

Хогестраат 20, 6953АТ Диерен, Нидерландия

Почта индекси 114, 6950АС Диерен, Нидерландия

+31 313 427230

Муаллифлик ҳуқуқи- Гендер ва сув муаммолари Альянси – АГС

Узбекистон Республикаси , 100187, Ташкент ш., массив Карасу-4, д. 11

Тел. (998 71) 266 50 95, 266 50 96. Факс (998 71) 266 50 97

таржима: Ойгуль Усманова

тахрир: Галина Стулина

саҳифалаш: Джахангир Абдурахманов

Буклетларнинг барча сериясини ўқиб чиқинг, кейин ўқувчилар, касбдошларинигиз билан ўзингиз ҳоҳлаганча ишишингиз мумкин.

Сиз расмлардан матнисиз фойдаланишингиз мумкин.

АГС веб-сайтига киринг ва расмларни компьютерингизги кўчириб олинг.

Кейин Сиз расмлардан фойдаланиб, ўз матнингизни ёзишингиз мумкин. Сиз, шунингдек, ўзингиз ўйлаб топган ҳикояни гапириб беришингиз ва ўз дарсларингизни тайёрлаши учун уларни бошқача тартибда тақдим этишингиз мумкин.

Жиralъдо ва АГСга миннатдорчилик билдиришини унутманг.

Наширнинг узбекча версиясини [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net)  
порталидан юклаб олишингиз мумкин.

Буклетлар тўртта:

1. Гендер ва сув. Гендер билан танишув. У ўзи нима?
2. Гендер, сув, тозалик ва саломатлик.
3. Гендер, сув ва иқлимий ҳодисалар.
4. Гендер, сув, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатлар.



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Confederation